

Қошим Сунгаров
Шукроналик
шукухи



ТОШКЕНТ
“ЯНГИ АСР АВЛОДИ”
2012

УДК: 821.512.133-1

ББК: 84(5Ў)7

С-58

Синдаров, Комил. Шукроналик шукуҳи /
К.Синдаров –Тошкент: Янги аср авлоди, 2012.
132 б.

ISBN 978-9943-08-927-3

Шеърятда самимийлик жуда муҳим. Самимий асар халқчил, кўнгилга яқин бўлади.

Комил Синдаровнинг навбатдаги китобидан ўрин олган шеърлар ҳам дилга яқинлиги, жозибadorлиги, теран маънога йўғрилганлиги билан ўзига хосдир.

Шоирнинг қалб хазинасидан баҳраманд бўлинг, азиз китобхон.

УДК: 821.512.133-1

ББК: 84(5Ў)7

ISBN 978-9943-08-927-3

© Комил Синдаров, «Шукроналик шукуҳи».
«Янги аср авлоди», 2012 йил.

НАВРЎЗИНГ МУБОРАК

Боғларда ўриклар гулади яна,
Хушовоз булбуллар сайради яна.
Кўкламой оламга ёйганда сепин,
Кўнгиллар қувончдан яйради яна.
Она замин бағринг нурларга тўлсин,
Жиззахим, Наврўзинг муборак бўлсин.


Ўзидан таратиб ажиб бир ифор,
Бахтлар водийсини кезмоқда баҳор.
Муҳаббат каломин қўймай тилидан,
Шу азиз Ватанга айлар дил изҳор.
Равзаи боғларинг гулларга тўлсин,
Ўзбегим, Наврўзинг муборак бўлсин.

Олимжонинг кезган кенг адирларга,
Зулфиянгни мафтун этган қирларга,
Сочганида офтоб кумуш жилосин,
Чор-атрофинг тўлар ажиб сирларга.
Бахт қуёши абад бошингда кулсин,
Жиззахим, Наврўзинг муборак бўлсин.

Зомину Бахмалнинг кўрки бўлакча,
Хўжа Мушкентингнинг сеҳри бўлакча.
Қирмизи лоладай хандон очилган,
Соҳибжамолларинг меҳри бўлакча.
Ботирлар бош уриб қошингга келсин,
Жиззахим, Наврўзинг муборак бўлсин.

Майсалар тўлғониб дил торин чертар,
Кўкламой, соғинчинг қалбларни ўртар.
Субҳидам сайрига чиққан Комилни,
Илҳом парилари қўлидан тортар.
Ҳар тунинг қадр, ҳар кунинг Наврўз бўлсин,
Ўзбегим, Баҳоринг муборак бўлсин!

2012 йил, март



ҲАР ТОНГ ҲАЁТИНГНИ ЯНГИДАН БОШЛА

Дилингда хусумат ўтини сўндир,
Заковат булоғин сувини тиндир.
Адоват дарахтин илдизин кесиб,
Қалбингда эзгулик уруғун ундир.
Адолат машъалин қўлингда ушла,
Ҳар тонг ҳаётингни янгидан бошла!

Ҳаёлингдан ҳайда гина, кудратни,
Юрагиндан юлиб ташла нафратни.
Майли душманга ҳам кўрсат шафоат,
Қалб тўрига жойла меҳрун шафқатни.
Ғазабинг келганда тилингни тишла,
Ҳар тонг ҳаётингни янгидан бошла!

Тирноқ орасидан ахтармагин кир,
Юзингни хайрли юмушларга бур.
Савоб осмонида юлдуздай порла,
Икки қароғингдан чақнаб турсин нур.
Саксонга кирсангда устингда ишла,
Ҳар тонг ҳаётингни янгидан бошла!

Муалло амаллар режасини туз,
Пойингдан ношудлик занжирини уз.
Белингга шижоат камарин бойлаб,
Ялқовлик қўрғонин деворини буз.
Кечанинг ўйини мозийга ташла,
Ҳар тонг ҳаётингни янгидан бошла!

Сенга чоҳ қазганни топшир Худога,
Тангри ўзи билиб тортур жазога.
Тавонингга кирган тиканга кек қип,
Наботот мулкига борма низога.
Елкангда ўтирган шайтонга кишла,
Ҳар тонг ҳаётингни янгидан бошла!

Ҳасад балосини қувсанг танангдан,
Қайта туғиласан гўё онангдан.
Атрофингга ҳавас кўзи-ла боқсанг,
Муҳаббат аримас кўнги хонангдан.
Зулматдан узоқ бўл, зиёни ҳушла,
Ҳар тонг ҳаётингни янгидан бошла!

Лоқайдлик, худбинлик лойига ботма,
Гўзаллик боғига зинҳор тош отма.
Маломат ўтида куймайин десанг,

Ҳеч қачон миннатнинг нонини тотма.
Аҳли доноларнинг ўғитин эсла,
Ҳар тонг ҳаётингни янгидан бошла!

Имконинг борида илмни кўзла,
Иқболнинг калитин билимдан изла.
Тафаккур ёритсин саодат йўлинг,
Бобонгдан олганинг болангга сўзла.
Туну кун ғанимат, ақлингни пешла,
Ҳар тонг ҳаётингни янгидан бошла!

2011 йил, ноябр

ЎЗИНГИЗНИ СОФИНАМАН, ОНАЖОН

Беш йилдирки армон бағрим эзади,
Туйғуларим тўзон каби тўзади,
Сизни излаб тоғу тошни кезади,
Изингизни софинаман, онажон.

Жонингизни нисор айлаб жонимизга,
Бир ўзингиз ярадингиз ўнимизга,
Тўёлмасдан кетган нурли кунимизга,
Кўзингизни софинаман, Онажон.


Иссиқ кулча ҳиди димоғдан кетмас,
Сизсиз ширмой нонлар томоғдан ўтмас,
Ҳамон келинингиз тандири битмас,
Тузингизни софинаман, онажон.

Хаёлимдек чуваланар золим тун,
Тор дўппида бошдан ўтиб кетар кун,
Гоҳо сойдек қувноқ, гоҳида маҳзун,
Юзингизни софинаман, Онажон.

Алқовлар кўп, орасида чини кам,
Ҳеч ким сиздек дўст бўлолмас чинакам.
Оғир дамда бўлган дардимга малҳам,
Сўзингизни софинаман, Онажон.

Э воҳ, кўп бўларкан етимга ҳужум,
Сизсиз ёқам вайрон, қўйлагим фижим,
Жонсиз суратингиз кўзга суртиб жим,
Ўзингизни соғинаман, Онажон.

2012 йил, 9 апрел



АСКАР БЎЛАМАН

Болалар қўшиғи

Хур Ватан бағрида унган лоламан,
Қалбида орзулар туйган боламан.
Бахтли болалигим йўлин ёритган,
Она юртин жондан суйган боламан.

Нақорат

Кун келиб акамдек кучга тўламан,
Улғайиб энг ботир аскар бўламан.

Томиримда жўшар мардларнинг қони,
Кучимга куч қўшар шарафи-шони.
Боболар ўгити чиқмас ёдимдан,
Шундан тиниқ эрур юртим осмони.

Нақорат

Кун келиб акамдек кучга тўламан,
Улғайиб эл суйган аскар бўламан.

От ўрнини тойлар босмоғи тайин,
Тошқин дарё яна тошмоғи тайин.
Ёғийлардан юртни асрамоқ учун
Менинг ўсгим келар ўсганим сайин.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq
versiyasi

<https://kitobxon.com/oz/asar/2347>

saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг
тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/2347>
сайтида.

Это был ознакомительный отрывок.
Полную версию можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/2347>